Ходимларнинг жисмоний тайёргарлиги ва амалий кўникмалари синовдан ўтказилди

// 14 Oktabr 2024 йил
https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/xodimlarning-zhismoniy-tayyorgarligi-va-amaliy-kunikmalari-s



Фавқулодда ҳолат вақт, жой танламайди. Ишлаб чиқариш жараёнидаги кўнгилсизликларнинг олдини олиш муҳим вазифа. Кутилмаган вазиятларда эса тўғри қарор қабул қилиш ва тезкорлик билан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Корхонанинг ҳарбийлаштирилган газдан қутқарув отряди ходимлари иштирокида 911-цехда бўлиб ўтган навбатдаги ўқув амалий машғулоти ҳам фавқулодда вазиятларга шайликни оширишга қаратилди.

Ишлаб чиқариш жараёнидаги авария ҳолати натижасида кимёвий заҳарланиш кузатилганда соҳа вакиллари амалга оширадиган ҳатти-ҳаракат синовдан ўтди.

Машғулотга махсус транспорт воситалари ҳам жалб этилди.









«НАВОИЙАЗОТ» АЖ АХБОРОТ ХИЗМАТИ